

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>А.Йўлдашев</b> Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба .....	91
--	----

---

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>Ф.Орипжонова</b> А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув .....	95
<b>З.Қобилова, Э. Қобилова</b> Татабуда шакл ва мазмун .....	98
<b>З.Ж.Пардаева</b> Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романи метафорикасида бадиий тафаккур фалсафаси талқини .....	101
<b>В.Аҳмедова</b> Тарихий драмада Амир Темур образи .....	105
<b>А.К.Абдурахмонов</b> Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир .....	109
<b>Г.Муҳаммаджонова</b> Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи .....	112
<b>О.Солиева</b> Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм) .....	117

---

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Н.Муродова</b> Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари .....	122
<b>Н.Чиниқулов</b> Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари .....	127
<b>М.Мамажонов</b> Антропонимлар дискурс релеванти сифатида .....	130
<b>Н.Т.Махмудова</b> Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати .....	133

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Р.Х.Максудов</b> Элнинг ардоқли шоири .....	137
<b>А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев</b> Аскар Қосимов шеърининг маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида .....	139
<b>А.Турдиев</b> Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм .....	141
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз фразеологизмларининг семантик таҳлили .....	145
<b>С.Усмонова</b> Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари .....	148
<b>Ж.М.Отажанов</b> Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари .....	152
<b>О.Хасанова</b> Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари .....	156
<b>Д.Қамбарова</b> Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари .....	160

---

ҚОНУН ВА ИЖРО

<b>А.Ўринов</b> “Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида .....	163
--	-----

УДК:10+100.3

## ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

## SOCIAL AND PHILOSOPHICAL FUNDAMENTALS OF UZBEK AND ENGLISH EDUCATIVE MOVEMENTS

## СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ УЗБЕКСКОГО И АНГЛИЙСКОГО ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОГО ДВИЖЕНИЯ

С.С.Усмонова

**Аннотация**

Мақолада ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик даврининг ижтимоий-фалсафий қарашларини тадқиқ этиш, Ўрта Осиё ва Европада миллий озодлик учун кураш, қулликнинг йўқ қилиниши, инсон ҳуқуқларини шакллантиришга қаратилган фикрлар ёритилган.

**Аннотация**

В статье рассматриваются научные мнения о социально-философских взглядах на период узбекского и английского просветительства, борьбы за национальное освобождение в Центральной Азии и Европе, отмены рабства, утверждение прав человека.

**Annotation**

This article are examined the social philosophical views and Enlightenment era, the struggle for national liberation in Central Asia and Europe, the slaughter of slaves and formation of human rights.

**Таянч сўз ва иборалар:** маърифатпарварлик, онг, миллий уйғониш, маърифатпарварлик реализми, сентиментализм, жадидчилик.

**Ключевые слова и выражения:** просветительство, сознание, национальное возрождение, просветительский реализм, сентиментализм, джадидизм.

**Keywords and expressions:** enlightenment, conscious, national enlightenment, realism in Enlightenment, sentimentalism, jadidism.

Маърифатпарварлик ҳаракатининг тараққий этиши турли халқлар фаолиятида турлича кечган. Европада миллий уйғониш даври илмий, фалсафий ва ижтимоий фикрларни ривожлантиришга қаратилган давр эди. Бу интеллектуал ҳаракат негизида рационализм (ақлни билишнинг ва кишилар хулқ-атворининг асоси бўлган фалсафий йўналиш) ва эркин фикрлаш ғоялари ётган. XVIII аср Европа тарихига маърифатчилик асри номи билан кириб келди. Англияда ижтимоий-сиёсий инқилоб таъсирида бошланган маърифатпарварлик ҳаракатлари кейинчалик Франция, Германия, Россия ва бошқа Европа мамлакатларига тарқалди. Англияда маърифатпарварлик принциплари мавжуд бўлиб, бу принциплар Америка Мустақиллик декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациялар асосига қурилган. Ушбу принциплар асосида вужудга келган интеллектуал ҳаракат Европа ва Американинг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлди.

Тарихчи Шуҳрат Эргашевнинг эътироф қилишича маърифатпарварлар эътиқодни

онг, динни эса фан фойдасига чеклашга, ахлоқни дин қобидан озод этишга “онгнинг табиий нуруни” жамиятни мукаммаллаштиришнинг асосий воситаси, деб эълон қилишга интилдилар. Улар инсоннинг онгини, фикрини уйғотиш лозим, ақли фаол ишлашга мажбур қилиш керак, деб ҳисоблашарди [1]. Демак, XVIII аср маърифатпарварлари, ёзувчилари, файласуф ва мутафаккирлари шахс маънавияти, кадр-қиммати, интеллектуал савияси топталган, деб ҳисоблашган. Маърифатпарварлар черков таълимотини, динни кескин танқид қилишган. Улар асосан феодал тартиб-қоидаларга қарши чиқишган ва халқни маърифатли қилиш заруратини таъкидлашган. Менимча, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шундай эзгу ҳаракатларга қарамай, буржуа жамияти ҳам феодал жамият сингари мукамалликдан анча йироқ эканлигини кўрамиз. Ш. Эргашев маърифатчилик асрининг асосий ғоясини фан ва тараққиёт имкониятларига бўлган чексиз ишонч эканлигини таъкидлайди. У инсон онгининг яратувчанлик кучига доимо

С.С.Усмонова – ФарДУ, Чет тиллар факультети инглиз тили кафедраси ўқитувчиси.

ишонар экан, аксарият маърифатчилар, феодал тартиблар билан курашнинг инқилобий усулларига салбий муносабатда бўлганликларини ва маърифатнинг ривожланиши, ўз-ўзидан мавжуд тартибларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин, деб ҳисоблайди. Маърифатчилар эски назария ва ғояларга қарши чиқиб, инқилобий ва прогрессив ғояларни илгари сурдилар [2,281-282].

Европада миллий озодлик учун кураш, кулликнинг йўқ қилиниши инсон ҳуқуқларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатди. Европада маърифатпарварлик ҳаракатлари асосида ана шу давр урф-одатлари ва анъаналарини танқид қилишга асосланган фалсафий қарашлар мавжуд бўлган.

Европада миллий уйғониш даврининг яна бир ғоявий қарашларидан бири—бу, “табиий одам” концепциясидир. Европа маърифатчилари дунё қарашининг шаклланишига таъсир ўтказган инглиз файласуфлари Гоббс, Ж.Локк “инсон табиати”ни одамларнинг ҳаётий (жисмий) интилишлари ва амалий манфаатлари билан белгилайдилар. Гоббс “инсон табиати” тўғрисидаги фикрида инсон ижтимоий ҳаётнинг ажралмас бир қисми эканлигини эътироф этса, Ж. Локк фикрича, ҳар қандай тирик мавжудот сингари инсон ҳам ўзини-ўзи сақлашга интилади [3]. Файласуфлар тажрибани билишнинг асосий манбаси, деб ҳисоблайдилар. Демак, Ж. Локк фикрича, билиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлиб, ҳақиқатлар эса кишиларнинг бу жараёнда ҳосил қилган тушунчалари, фикр ва мулоҳазаларининг оламга мос келишидан иборат эканлиги, шу каби ижтимоий фалсафий қарашлар натижасида Европа маънавий – маърифий ҳаётида маърифатпарварлик ҳаракати вужудга келди ва ривожланди.

18-аср ўрталарига келиб маърифатпарварлар ақл ва идрокка урғу беришган. Буни биз инглиз маърифатчиси Ж.Свифт асарларида учратамиз.

Давр тақозосидан келиб чиқиб, ёзувчилар ўртасида ҳам фикрлар ва дунёқарашлар келишмовчиликлари бўлиб турган. Даниэль Дефо ва Жонатан Свифт фикрлари ўртасидаги номутаносиблик фикримизнинг исботидир.

Дефо инсоният табиат билан боғлиқ тасаввурларга тўла эканлигини исботлади.

Буни у “Робинзон Крузо” асарида инсон зотининг ҳеч ким яшамайдиган оролда ижодий қобилият эгаси эканлиги тасвирлаб берган. Свифт эса бунинг акси сифатида инсон табиатига ишончсизлик билан қарайди. Свифт “Гулливернинг саёҳатлари” асарида инсон табиатига нисбатан пессимистик қарашларини асар қаҳрамони Эху орқали тасвирлайди. Эхулар қачонлардир кема ҳалокати натижасида оролга чиқариб ташланган одамларнинг авлодлари эканини, улар кучли, лекин шу билан бирга кўрқоқ ва муттаҳам сифатида тасвирланади. Свифт ўз асарлари орқали инсон зотини табиатнинг бир нуқсони, деб эътироф этади. Чунки ёзувчи инсон табиатини бепарво кузатиш эмас, уларга инсонийликни сақлаб қолиш, ёввойилашиб кетишдан огоҳлантириш истагини асар қаҳрамонлари тимсолида тасвирлаган.

Кейинчалик маърифат асрининг замондошлари Филдинг ва Ричардсон ўртасида таълим ва тарбия назарияси юзасидан зиддиятли фикрлар юзага келди. Ричардсон пуритан таълим-тарбия назариясини қўллаб-қувватлайди ва унда табиий одам концепцияси тимсолини кўради.

Генри Филдинг эса бунинг аксини исботлашга уринди. У пуритан таълим-тарбия назарияси инсонни худбинликка, хасисликка ундайдиган ғоялардан иборат, деб таъкидлади.

Маърифатпарварлик ҳаракатларида адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёсдир. Маърифатчилар ана шу ҳаракатлар негизда жамиятни тарбиялашда ва ривожлантиришда, юксак туйғуларни уйғотишда иштирок этганлар.

18-асрнинг биринчи ярмида адабиётда маърифатпарварлик классикаси етакчи ўринда турган. Бунга Вольтер драматургияси ва лирикаси, Шиллер ва Гёте драматургияси, Александр Поп шеърияти бунинг ёрқин ифодасидир.

Маърифатпарварлик классикасининг асосий муаммоси атроф муҳитни ва ижтимоий жамиятни инсонга қандай таъсир этишидан иборат бўлган.

Бу даврнинг характерли ва ёрқин адабий ҳодисаси маърифатпарварлик реализмидир. “Маърифатпарварлик реализми” атамаси нафақат бадиий асарларни тасвирлашда, балки назарий эстетик фикрни тасвирловчи асарларда ҳам ишлатилган. Маърифатпарварлик реализми Дефо,

Филдинг, Дидро, Лессинг ижодида ўз аксини топган. Улар асарларида турмушнинг ижтимоий тарафини, шахс камолотида атроф муҳит ва табиат таъсирининг қанчалик муҳим эканини ёритиб беришган.

Маърифатпарварлик реализмини кўпроқ Филдинг асарларида учратамиз. Филдинг реаллик – бу, вазиятдан, воқеа-ҳодисадан келиб чиқади, сюжет эса онг ва табиат нуқтаи назаридан юзага келишини асарларида акс эттиради.

Маърифатпарварлик даврининг яна бир адабий йўналишларидан бири сентиментализм оқимидир. Сентиментализм классицизмдан фарқли ўлароқ ақл-идроққа эмас, балки инсон ҳис-туйғуларига таянган адабий йўналиш ҳисобланган. Сентиментализм маърифатпарварлик адабиётида шахс идеалига содиқ қолди ва ундаги адабий қаҳрамон ички дунёси эмпатия қобилиятига эга бўлиб, атрофида юз бераётган воқеаларга жиддий муносабатда бўлади.

Сентиментализм маърифатпарварлик даври адабиётининг адабий оқими бўлиб, Англияда XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Сентиментализм оқимининг асосий мақсад ва ғояси ана шу давр дворян зодагонларга қарши, уларнинг бузуқ ахлоқларига бўлган норозиликлари ўз ифодасини топади.

Сентиментализм оқими намояндаларининг асарларида халқнинг турмуш тарзи уларнинг руҳий кечинмаларини тасвирлаш, феодализмга қарши фикрлар илгари сурилади.

Сентиментализм оқими вакиллари Лоренс Стерн, Жеймс Томсон, Оливер Голдсмитлар бўлиб, улар ўз асарлари билан киши руҳиятининг энг нозик кечинмаларини тасвирлашга ҳаракат қилишган.

Ўзбек адабиётида сентиментализм қачон вужудга келган? Миллий уйғониш даври адабиётида сентиментализм 20-аср бошларида ривожланган. Маълумки, ушбу оқим инглиз адабиётида кўпроқ насрда учрайди. Буни Лоренс Стерн ижоди мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбек адабиётида эса бу оқим элегия, марсиялар орқали бизга маълум. 20-аср адабиётида эса жуда кам бўлса-да марсиялар мавжуд. Уларда кўпинча қандайдир халқ арбоби ёки қаҳрамони

вафоти туфайли кишилар бошига тушган ташвиш ва ғамлар ифодаланган[4,216].

Бунга Ҳамзанинг “Турсуной марсияси”, А.Қодирийнинг Кумушнинг қабртоши учун марсия сўзлари фикримиз далилидир.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Туркистонда Миллий уйғониш даври, маърифатпарварлик ҳаракатлари даври вужудга келди. Мана шу маърифатпарварлик ҳаракатлари асосида “жадидчилик” деган тушунча кириб келди. Ушбу атама арабчадан олинган бўлиб, “янги”, “янгилашиш” деган маънони англатади. Бундан кўриниб турибдики, жадидчилик тушунчаси орқали Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида янгича ўзгаришлар вужудга келади.

Жадидчилик дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Қримда вужудга келди. Кейинчалик 90-йилларда Ўрта Осиёда тарқалди. Жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиш сабаблари ўша даврнинг илғор тарраққийпарвар кучлари, зиёлилари, халқни умумжаҳон маънавий ва маърифий ривожланишдан, тараққиётдан орқада қолиши ва халқнинг саводхонлигини ошириш ва илм маърифатпарвар қилиш заруратини сезганларидадир.

Жадидчиликнинг юзага келишига ўзига хос сабаб ва омиллар мавжуд бўлиб, энг аввало тарихий шароит, Россия орқали Туркистонга капиталистик муносабатларнинг кириб келиши, маҳаллий саноат ва савдо буржуазияси, Озарбайжон, Татаристон жадид зиёлиларининг, хусусан, Гаспринскийнинг Туркистон жадидларига таъсири ва ёрдами фикримиз далилидир. Жадидчиликнинг жаҳон халқлари ҳаётида юз бераётган тарихий воқеалар билан боғланиши анъанавий таъсирдир. Жадидчилар мусулмонларнинг ижтимоий гуруҳлар (хўжа, саййид, қора)га бўлинганлигини инкор этмаган ҳолда, синфийликнинг мавжуд бўлмаганлигини қайд этганлар.

Жадидчилик тушунчасини инкор этган, унинг моҳияти, мақсади нима эканлигини англаб етмаган, жадидчиликни марксча – ленинча таълимот билан боғлаганларга қарата Раҳим Гулшан диссертациясида шундай дейди: “Жадидлар ўз курашида исломни бош асос, деб билдилар. Улар исломнинг тараққиёт билан боғланишини илмий-назарий жиҳатдан асосладилар, амалда шуни исботлашга интилдилар”

[5,213]. Демак, маърифатпарварлик даврида жадидчиликда ислом динини инкор этиб, материалистик ғояларини қўллаб-қувватлашдан иборат эмаслигини, дин ниқоби остида турли хил разилликларни амалга оширишдан иборат эмаслигини кўрамиз. Инглиз маърифатпарварлик адабиётида кўзда тутилган инсон тушунчаси ўзбек маърифатпарварлик адабиётида ҳам ўз аксини топган. Лекин инглиз адабиётидаги “инсон инсонийлик тушунчалари замири остида одамларнинг ҳаётини интилишлари ва амалий манфаатлари билан белгиланади. В.Н. Кузнецовнинг таъбирича маърифатчиларнинг “ахлоқ ҳақидаги мулоҳазаларида марказий ўринни манфаат эгаллайди ва улар манфаати асосида фундаментал ахлоқий категориялар бўлган яхшилик ва иллатни таърифлайдилар” [6,151]. Бунга кўра, Улуғбек Саидов ўз илмий тадқиқотида жамият манфаатлари билан шахс манфаатларини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган. Европа маърифатчилари таълимотларида “Онгли эгоизм”, одамларнинг табиатан эзгуликка мойиллиги тўғри англандан шахсий манфаат каби тушунчалар шаклланади, деб фикрни қўллаб-қувватлайди.

Хусусан, Гельвенийнинг фикрича: “Мулоҳазаларимиз ва хатти-

ҳаракатларимизнинг адолатлилиги доимо бизнинг манфаатларимиз билан жамият манфаатларининг мувофиқ келишидадир” [6,151]. Бунга Робинзон Крузо (Д.Дефо) образи ёрқин мисол бўлади. В.Н. Кузнецовнинг таъбири билан айтилган ахлоқ ҳақидаги мулоҳазаларда марказий ўринни манфаат эгалласа, Раҳим Гулшан таъбирига кўра жадидлар, шу жумладан, Фитрат ижтимоий ғоявийлик марказига инсонни қўядилар. [7]

Раҳим Гулшан ушбу фикрлари билан мукамал инсон концепциясида жамият, миллат, юрт маанфаатлари инсон манфаатлари билан чамбарчасдир.

Лекин, Европа маърифатчилари эса инсон қилган эзгу ишларни ҳам шахсий манфаат билан боғлайдилар.

Инглиз файласуфи Гоббс: “табиат шундай ташкил топганки, унда барча ўзи учун эзгулик истайди”. [7]

Жадидчилик жаҳон ижтимоий ва миллий қадриятларга асосланган оқим бўлиб, Ўрта Осиё маҳаллий туб аҳолиси манфаатларига жавоб берган ва ижтимоий тараққиётнинг пишиб етилган эҳтиёжларини тўла қондира оладиган ҳаракат сифатида шаклланди.

#### Адабиётлар:

1. Эргашев Ш..“Жаҳон тарихи. Янги давр. 1-қисм”. –Т.: Ўзбекистон. 2013.
2. Локк Дж. Соч.В 3 т. -Т.1. -М., 1985 .
3. Раҳим Гулшан.Абдурауф Фитрат ва Жадид адабиёти. Автореферат. –Т., 1999.
4. Кузнецов В.Н Французский материализм XVIII века. -М.,1981.
5. Гельвений. Сочинения в 2-х т. -Т.1. -М.,1973.
6. Гоббс Т. “Избранные произведения в 2- х т. -Т.2.-М.,1964.
7. e-adabiyot.uz

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).